

**«PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI» aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlari navbatdan tashkari umumiy yigiliшининг
2-сонли баённомаси**

Тошкент ш.

2017 йил 2 май

Йигилиш вақти : 10.00

Қатнашдилар: Акциядорлар ёки уларнинг ишончли вакиллари – 51 киши
жами 698528 дона овоз бериш кучига эга оддий акциялар эгалари, «PAHTASANOAT
ILMIY MARKAZI» АЖ раҳбарияти, Р.А. Гуляев – Бош директор в.б.

Таклиф этилганлар:

“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК Кузатув кенгаши раиси И.К. Собиров

Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш учун кворум мавжуд: 1213968
овоздан жами 805854 таси катнашмоқда. Бу эса барча мавжуд овоздан 66.4 % ни
ташқил этади.

Йигилиш раиси этиб – И.К. Собиров

Бир овоздан 3 кишидан иборат ҳисоб комиссияси сайланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият амалдаги уставига ўзгартриш киритиш.
2. Жамиятнинг 2017 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш низомини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш

Йигилиш раиси қуйидаги иш тартибини таклиф қилди:

- Масалалар юзасидан ҳисобот бериш - 10 минут, музокараларда сўзга чиқувчилар учун – 5 минутдан берилсин.

Йигилиш иш тартиби акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан «Пахтасаноат Илмий Маркази» АЖ
нинг Бош юрисконсулти Гофуров З сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги 374-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК ва
унинг таркибига кирувчи «Ўзпахтасаноат» АЖ фаолиятини ташқил этишининг
кўшимча чора-тадбирлари туғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси
хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитаси ҳузуридаги давлат активларини бошқариш марказининг 2017 йил 3
апрелдаги 01-04/584-сонли хатига асосан жамиятнинг давлат акциялари пакети
«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК устав капиталига берилганлигини тақидлаб жамиятнинг
амалдаги уставнинг 25 моддасига Давлат улуши сўзи ўрнига “Ўзпахтасаноатэкспорт”
ХК сўзи киритилиши лозимлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йигилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар
орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

тарафдор – 805854 овоз – 100%; қаршilar ва бестарафлар йўқ

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Истикболли режалаштириш бўлими болиги Ф.Бабаджановнинг маърузаси тингланди.

Ҳисобот даврида барча йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати 2 405 500 минг сўмни ташкил этди. Барча солиқлар ва мажбурий тўловлардан сўнг қолган соф фойда 245 440 минг сўмни ташкил этган (ҳисобот илова қилинади).

Маъруза якунлангандан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

тарафдор – 805854 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамиятнинг Кузатув Кенгаши раиси сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасига асосан Жамият овоз берувчи акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставда бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги 374-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК ва унинг таркибига кирувчи «Ўзпахтасаноат» АЖ фаолиятини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурндаги давлат активларини бошқариш марказининг 2017 йил 3 апрелдаги 01-04/584-сонли хатига асосан жамиятнинг давлат акциялари пакети «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК устав капиталига берилган.

Шунга асосан жамиятнинг 51% улушга эга акциядори “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК томонидан 2017 йил 17 апрелдаги МА-06-3/757-сонли хатига асосан таклиф этилган номзодлар билан таништирди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенларга қўмулятив овоз бериш яъни акциялар сонини 5га қўпайтириб кўрсатилган номзодларга тасдиқлаш лозимлигини сўради.

Овоз бериш натижалари:

И. Собиров – (тарафдор – 892 628)

Б. Турабов – (тарафдор – 680 468)

О. Назаров – (тарафдор – 680 578)

Т. Саттаров – (тарафдор – 882 968)

Д. Рафиков – (тарафдор – 889 738)

Тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Э.Тошпулатов – (тарафдор – 681 694)

И.Мамажонов – (тарафдор – 681 694)

Ш.Омаров. – (тарафдор – 682 516)

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Қимматли қоғозлар бўйича етакчи мутахассис Г. Досанов сўзга чиқиб; “Акциядорлик жамияти ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 74 моддасига биноан Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифасини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши

хакида тўхталиб ўтилганлигини билдириб, Шунга асосан жамиятда Умумий йиғилишига Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш низоми киритишни таклиф этаётганлигини таъкидлади. (Низом илова қилинади).

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 805854 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Жамиятнинг Бош директор в.б. Р.Гуляев сўзга чиқди ҳамда 2017 йилдаги Жамиятни узок ва ўрта муддатга белгиланган стратегиясини хакида маълумот берди. Бунда жамиятнинг келгусида амалга оширилиш кутилаётган илмий ўзгаришлар, режаларни айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан бюллетенлар орқали овоз беришни сўради. (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 805854 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар йўқ

Шундан сўнг, йиғилиш раиси қатнашчиларга муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр билдиришларини сўради.

Яқунида ҳисоб комиссияси раиси Х. Азизова барча кўриб чиқилган масалалар бўйича овоз бериш натижалари билан таништирди. (ҳисоб комиссиясининг баёни илова қилинади).



Кун тартибига киритилган барча масалалар кўриб чиқилиб, «Рахтасаноат Илмий Маркази» АЖ акциядорлари умумий йиғилиши қарор қилди:

1. Жамиятнинг уставига киртилаётган ўзгариш ва қўшимчалар матни (илова мувофик) тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2017 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси тасдиқлансин.
3. Кузатув Кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
Кузатув кенгашига:
И. Собиров, Б. Турабов, О. Назаров, Т. Саттаров, Д. Рафиков
Тафтиш комиссиясига:
Э. Тўшпулатов, И. Мамажонов, Ш. Омаров.
4. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш низоми тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш

Баённома тузилган сана 10 май 2017 йил

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби

И. Собиров

Г. Досанов